O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 28 февраль, шанба • № 17 (11.000) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ ИККИ ТОМОНЛАМА КОМИССИЯСИНИНГ СЕССИЯСИ

26 февраль куни Америка Қўшма Штатлари давлат департаментида Ўзбекистон — АҚШ икки томонлама комиссиясининг биринчи сессияси очилишига бағишланган расмий маросим ва сессиянинг ялпи мажлиси бўлди. Маросимда Президент Ислом Каримов ва Президент Билл Клинтоннинг қўшма комиссия иштирокчиларига йўллаган қутловлари ўқиб эшиттирилди

Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари Президентларининг Ўзбекистон — АҚШ икки томонлама комиссиясининг биринчи сессияси иштирокчиларига йўллаган қутловлари

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар, Ўзбекистон Республикаси — Америка Қўшма Штатлари икки томонлама комиссиясининг биринчи сессияси иштирокчилари!

Комиссия иш бошлаши муносабати билан сизларга табрик сўзлари билан мурожаат қилиш менга улкан мамнуният бахш этади. Бу комиссиянинг ташкил этилиши мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ривожлантириш тўғрисида АҚШ Президенти Б.Клинтон билан аҳдномаларимизни амалга ошириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Икки томонлама комиссия фаолиятининг бошланиши давлатлараро муносабатларда мамлакатларимизнинг сифат жиҳатидан янги босқичга чиққанини кўрсатади. Улкан сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техник, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган жаҳоннинг етакчи давлати — Қўшма Штатлар билан узоқ муддатли ва кенг кўламли муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон учун ташқи сиёсатнинг устувор стратегик йўналишидир.

Давлатларимиз жаҳон хавфсизлиги ва минтақавий хавсизликнинг турли жиҳатлари бўйича мулоқотни давом эттиришдан манфаатдор. Бизнинг жаҳон ва минтақалар хавфсизлигига муносабатларимиз бир-бирига жуда мос келади. Ўзбекистон ва АҚШ жаҳон хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётган наркотик моддаларнинг ғайриқонуний савдосига, халқаро терроризмга ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишга қарши кураш борасида муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон АҚШнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини тўла қўллаб-қувватлайди. Қўшма Штатларнинг тажрибаси ва салоҳияти минтақадаги янги давлатлар мустақиллиги ҳамда уларнинг эркин тараққиёти учун ишончли таянч ва кафил бўлиб хизмат қилишга қодир.

Ҳарбий соҳада узоқ муддатли муносабатларни ривожлантириш учун қулай шароит яратилган. НАТОнинг "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастури доирасида мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик изчиллик билан ривожланмоқда. Бу ҳамкорлик давлатларимизнинг миллий манфаатларига мос келишига аминман. Ўзбекистонда ҳам, АҚШда ҳам ҳар йили биргаликда ҳарбий машқлар ўтказиш мунтазам тус олмоқда.

Қўшма Штатлар ҳозир жамиятимизни янгилаш, ислоҳ қилиш ва демократиялаш жараёнига салмоқли ҳисса қўшмоқдаки, биз буни жуда қадрлаймиз. Америка компаниялари ва фирмалари билан қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, улар билан узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро фойдали муносабатларни ўрнатишга, бозоримизда Америка сармоясининг кўпайишига катта аҳамият бермоқдамиз.

Ишончим комилки, Ўзбекистон — Америка мулоқотини ривожлантиришдаги сифат жиҳатидан янги босқич Ўзбекистон республикаси билан Қўшма Штатлар ўртасидаги стратегик ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга хизмат қилади.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Яхши тилакларимиз ҳамда Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигини изчиллик билан мустаҳкамлашга интилаётганимиз хусусида айтган самимий гапларимизни қабул қилгайсиз. Комиссия ишига муваффақият тилайман.

ИСЛОМ КАРИМОВ.

Америка Қўшма Штатлари — Ўзбекистон Республикаси қўшма комиссиясининг иш бошлаётган сессияси муносабати билан Ўзбекистон делегациясига самимий қутловларимни йўллайман. Бу учрашув икки томонлама муносабатларимизда муҳим босқич бўлиб, муносабатларимизни ҳозир ҳам, XXI асрда ҳам чуқурлаштириш бўйича мажбуриятларимизни яна бир бор таъкидлайди.

Қўшма Штатлар Ўзбекистон билан муносабатларимизни жуда қадрлайди. Биз Ўзбекистоннинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини қатъий қўллаб-қувватлаймиз. Мамлакатларимиз биргаликда минтақавий хавфсизликни, демократик ва иқтисодий ислоҳотларни, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини рағбатлантириши мумкин ва шундай қилади ҳам. Тобора ривожланиб бораётган икки томонлама ҳарбий ҳамкорлигимиз ва Ўзбекистон НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурида ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотида иштирок этаётгани туфайли биз минтақада тинчлик ва хавфсизликнинг зарур асосини яратмоқдамиз. Халқаро можароларни бартараф этишда Ўзбекистонга бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш имконини берадиган Марказий Осиё тинчлик батальонини изчил қўллаб-қувватлаймиз.

Америка Ўзбекистонга мамлакатдаги турфа маданиятлар, динлар, этник гуруҳлардан қувват олиб, минтақада ва бутун дунёда ҳақли равишда муносиб ўринни эгаллаш ҳамда фикрлар хилма-хиллигига асосланган барқарор жамият қуриш борасидаги мақсадларига эришувида ёрдам бераверади.

Сессияга энг яхши тилакларимни йўллаб, ишларингизга самара тилайман.

БИЛЛ КЛИНТОН.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

НАВРЎЗ НАФАСИ

ЮҚОРИЧИРЧИҚ тумани ҳокимлигида Наврўз умумхалқ байрамини кўтаринки руҳда кутиб олиш учун қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган эди.

Шу кунларда барча корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликларда шанбаликлар ўтказилмоқда. Ушбу ҳашар тадбирларидан тушган пул маблағлари Наврўз байрами жамғармасига ўтказилади ҳамда қариялар, ногиронлар, етим-есирлар ва кам таъминланган оилаларга ҳайрия сифатида сарфланади. Шунингдек, тумандаги "Камолот", "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари ҳамда "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази бўлимлари ҳам хайрли тадбирлардан четда қолмай, ўз ҳиссаларини қўшишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳадемай, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари экиш ишлари ҳам бошланади. Натижада кўчалар, ҳиёбонлар, қишлоқ ва маҳаллалар байрам либосига бурканиб, ўзгача чирой очади.

Латифжон МАНСУРОВ.

НУРХОНА ҚУВВАТИ ОШМОҚДА

РЕСПУБЛИКАМИЗ энергетика тармоғининг йирик корхоналаридан бири — Янги Ангрен иссиқлик электр станциясининг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ишлари ҳамон давом этмоқда.

Нурхонада фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида яратилган йирик буғ қозони ўрнатилмоқда. У ҳар соатда етмиш беш тонна буғ ҳосил қилади ва турбогенераторларга етказиб беради. Бу қозоннинг яна бир афзаллиги бор. У ёқилғи сифатида газдан фойдаланишга мўлжалланган. "Зангори олов"нинг устунлиги шундаки, аввало, унинг ҳарорати баланд бўлади. Энг муҳими атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлайди, ҳавонинг мусаффолигини таъминлайди.

Собир ҲАМИДОВ.

Вилоят ҳокимлигида

ОСОЙИШТАЛИК ОЙЛИГИ

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ барча бўлим ва бошқармаларида, шаҳар, туман, корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликларда "Наврўз" умумхалқ байрамига тайёргарлик ишлари тобора қизиб бормоқда.

Айём муносабати билан жойларда умумхалқ ҳашарлари, хайрия-тадбирлари, қатор савоб ишлар амалга оширилмоқда. Кенг кўламда ободончилик, кўкаламзорлаштириш тадбирлари давом этмоқда.

Вилоят ҳокимининг махсус қарори билан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Шу йилнинг 1 март кунидан бошлаб вилоятда намунали жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқни муҳофаза этиш ойлиги эълон қилинди.

Ойликда белгиланган тадбирлар кўлами кенг. Барча шаҳар ва туманларда прокуратура ва ички ишлар бўлимлари ходимлари иштирокида учрашувлар ўтказиш, профилактика ишларини кучайтириш, жиноятларнинг олдини олиш ҳамда йўл транспорт ҳодисаларини кескин қисқартириш, барча шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатаётган турғун постлар ишини жонлантириш, белгиланмаган жойларда спиртли ичимликлар ва талабга жавоб бермайдиган озиқ-овқатларнинг сотилишига йўл қўймаслик вазифалари белгиланганки, буларнинг ҳаммаси жойларда Наврўз байрамини муносиб кутиб олиш ва намунали ўтказишни таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

"Оила йили" муносабати билан оилаларда содир бўлаётган турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш борасида маҳаллий ҳокимиятлар, фуқаролар, ўз-ўзини бошқариш идоралари, маҳаллалар қўмиталари ва жамоатчи ташкилотлар билан ўтказилиши мўлжалланган тадбирлар ҳам диққатга сазовор.

Дунёда тинчлик, хотиржамликдан муқаддас нарса йўқ. Шундай экан, вилоят ҳокимининг ушбу қарори ва белгиланган тадбирларнинг жойларда ижро этилишини таъминлаш, осойишталик ойлигида фаол иштирок этиш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлиб қолмоғи керак.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ МАНДАТ КОМИССИЯСИДА

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши мандат комиссияси бўшаб қолган ўринларга вилоят Кенгаши депутатларини сайлаш бўйича 1998 йил 15 февраль куни ўтказилган сайлов натижаларини кўриб чиқди.

Бешта округда ўтказилган сайловда сайловчилар халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашлари томонидан кўрсатилган номзодлар учун овоз беришда иштирок этдилар.

Овоз беришда 7-Наврўз округида сайловчиларнинг 90,2 фоизи, 12-Саноатчилар округида сайловчиларнинг 84,9 фоизи, 15-Янгиобод округида сайловчиларнинг 74,4 фоизи, 32-Солдатское округида сайловчиларнинг 94,6 фоизи, 33-Ўзбекистон округида сайловчиларнинг 98,0 фоизи иштирок этди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши мандат комиссияси сайлов барча округларда қонун талабларига мувофиқ ўтганини қайд этди.

Мандат комиссияси овоз бериш натижасида тегишли округ сайлов комиссиялари тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 11 ва 45-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутатларни рўйхатга олиш ҳамда сайланган депутатлар рўйхатини вилоят ва тегишли маҳаллий матбуот органларида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бўшаб қолган ўринларга 1998 йил 15 февраль куни ўтказилган сайлов натижаларига кўра Тошкент вилояти Кенгашига сайланган депутатлар

РЎЙХАТИ

NN	Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Депутатликка номзод кўрсатган органнинг номи	Эгаллаб турган лавозими (машғулот тури)	Иш ва яшаш жойи, номи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1	2	3	4	5	6	7
1.	Абдураҳимов Ўткир	1948	Халқ депутатлари Қуйичирчиқ тумани Кенгаши	Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, назорат инспекцияси раҳбари	Тошкент шаҳри	32-Солдатский
2.	Мирзаев Фатхулла Турғунович	1946	Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгаши	Чирчиқ "Электрокимё" ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори	Чирчиқ шаҳри	12-Саноатчилар
3.	Мўминов Рустам Мажитхонович	1958	Халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгаши	Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари	Тошкент шаҳри	15-Янгиобод
4.	Омонов Қамбарали Ҳайдаралиевич	1950	Халқ депутатлари Қуйичирчиқ тумани Кенгаши	Қуйичирчиқ тумани ҳокими	Оққўрғон тумани	33-Ўзбекистон
5.	Раҳимбердиев Абдукарим Мирсаидович	1951	Халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар Кенгаши	Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари	Тошкент шаҳри	7-Наврўз

"ҚОМУС" — ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧ ҒОЛИБИ

ОҚҚЎРҒОН тумани маданият уйида "Камолот" жамғармасининг ташаббуси билан ташкил этилган умумтаълим мактабларидаро бўлиб ўтган "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг туман миқёсидаги якунловчи босқичи бўлиб ўтди.

Барча мактаб ўқувчилари иштирок этган танловда 16- ва 23-ўрта мактабларнинг "Қомус" ва "Адолат" гуруҳлари беллашдилар.

"Қомус" жамоасининг иқтидорли ўқувчилари қонунларни яхши ўзлаштирганликларини намойиш этиб, ғолиб деб топилдилар. Ғолибларга "Камолот" жамғармаси ҳамда туман прокуратурасининг эсдалик совғалари топширилди.

Энг яхши сардорлар эса Самарқанд шаҳрига бепул саёҳатга борадиган бўлдилар.

Малика ТУРДИБОЕВА.

ТАДБИРКОРЛАР БЕЛЛАШГАНДА

ОҲАНГАРОН туманида тадбиркорларнинг "Ташаббус" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда тумандаги барча ҳунармандлар, деҳқон-фермер хўжаликларининг раҳбарлари ва тадбиркорлар иштирок этдилар.

Уч босқичдан иборат кўрик-танловнинг ҳунармандлар баҳсида гиламдўз Акбарали Мусурмонов, фермер хўжаликлари баҳсида "Муқаддас" чорвадор фермер хўжалиги раҳбари Пўлатали Ҳожиакбаров, тадбиркорларнинг беллашувида эса "Акром — ширмой нон" хусусий корхонаси раҳбари Акром Хушназаров ғолиб деб топилдилар. Ғолиблик бу уч танлов ғолиби вилоятда бўлиб ўтадиган кўрик-танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Туман ҳокимининг муовини Алишер Алимов ғолибларга ҳокимлик ва тадбиркорлар палатасининг махсус совринини топширди.

Отабек ҒАФФОРОВ.

Олимлар изланишда

СЕЯЛКАЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛЯПТИ...

ПЛЁНКА остига чигит экиш пахтачилигимизда илғор технологик усуллардан бири сифатида ўзига кенг йўл очмоқда. Ана шу жараёнларни янада такомиллаштиришга қаратилаётган техникавий тадбирлар ҳам яхши самара бермоқда. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қишлоқ хўжалигини механизациялаш кафедраси олимлари плёнка остига чигит экиш сеялкаси барабанининг янги конструкциясини тайёрлашда жиддий изландилар. Бундай янгиликнинг юзага келиши жараёнида плёнкани ерга ёйиш қурилмасининг такомиллашган конструкцияси ишлаб чиқилди.

— Оддий сеялка чигит қадаш аппаратининг янги мукаммал нусхасини яратиш устида ҳам иш олиб бордик, — дейди қишлоқ хўжалигини механизациялаш куллиёти декани У. Умурзоқов — Олий ўқув юртимизда "Қишлоқ хўжалиги ва гидротехника қурилишида маҳаллий ҳомашёлардан фойдаланиш" деган мавзу доирасида ҳам қатор йирик тадқиқотлар бажарилди. Саноат чиқиндиси фосфоганчни бириктирувчи минерал сифатида ишлатиш технологияси такомиллаштирилди. Ангрен ГРЭСидан чиқадиган кулни енгил бетонлар тайёрлашда хомашё сифатида ишлатиш учун тавсия этилди. Бундан катта иқтисодий самара кўриш мумкинлигини тажриба кўрсатди.

Акбар АЛИЕВ.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Бу ҳақда Олий Мажлис сессиясида гапирилган эди

ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

МУСТАҚИЛ республикамизда табиатни муҳофаза қилиш ишларига эътибор тобора кучайиб бормоқда. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўтган йилнинг декабрида бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида бу масалага яна бир бор қайтилди. Ноиблар мамлакатимиздаги ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни қабул қилдилар.

Ўзбекистон Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси сессиясида ҳамда илгари қабул қилинган бошқа қонунларга мувофиқ 1998 йилда ёввойи ҳайвонлар, балиқ овлаш ҳамда доривор ўсимликларни, озиқ-овқат ва техника эҳтиёжлари учун ишлатиладиган ёввойи наботот йиғиш бўйича меъёрларни белгилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот хулосалари инобатга олинди.

Ноқулай экологик аҳвол таркиб топгани, шунингдек, ёввойи жониворларнинг сони камайиб кетгани учун бу йил Тошкент вилоятида ҳам тўнғизлар ва тоғ эчкиларини ов қилиш таъқиқланади. Фақат "Арнасой" ва "Қурама" овчилик-балиқчилик хўжаликларидагина ов қилишга рухсат этилади, у ҳам жуда кам миқдорда белгиланди. Тустовуқларни овлаш ҳам маълум муддатга тўхтатиб қўйилди. Улар ёз-куз фаслларида ҳисобга олиниши ва шундан кейингина овлашга рухсат берилиши назарда тутилмоқда. Ўшанда ҳам бу паррандалар яшайдиган ёки учиб ўтадиган барча чангалзору қамишзорларда отиш ёки ушлашга ижозат берилмайди. Фақат "Далварзин" ва "Сретенка" овчилик хўжаликларида овлаш мумкин. Паррандаларнинг бошқа турларини овлаш "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов қилиш ва балиқ овлаш қоидалари"-га қатъий амал қилинган ҳолда олиб борилади.

Кейинги йилларда тоғ ва ўрмонзорларда вахший ҳайвонлар, жумладан, бўрилар кўпайиб кетди. Зеро, улар ёввойи туёқли жониворларга, айниқса, уларнинг болаларига катта қирон келтирмоқда. Бу ҳайвонлар камайиб кетишининг энг асосий сабабларидан бири ҳам шундадир. Айни вақтда чорвачилик хўжаликлари ҳам зарар кўрмоқда. Уларнинг чорвага хуруж қилиш ҳоллари тобора кўп учрамоқда. Шуни ҳисобга олиб, рухсатномаси бўлган овчиларга манфаатдор бўлган хўжаликлар билан биргаликда бўри овловчилар бригадасини тузиш тавсия этилди. Бу гуруҳлар, албатта, табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмитаси давлат нозирларининг назорати остида ишлаши лозим. Улар бошқа вахший ҳайвонларни ҳам ов қилишлари мумкин.

Доривор ва озиқ-овқатга ишлатиладиган ўсимликлар хом ашёсини тайёрлаш меъёрлари ҳам қатъий қилиб қўйилди. Улардан фойдаланиш ўсимликлар дунёсига зинҳор зарар келтирмаслиги керак. Бунинг учун бундай ўсимликларни ҳар доим эмас, фақат муайян мавсумда тайёрлаш тартиби ўрнатилади ва бунинг учун, албатта, мутасадди ташкилотларнинг тегишли рухсатномалари бўлиши зарур.

Маълумки, хўжаликлар ва хонадонлар чорвалари табиатга катта зарар етказаяпти. Улар миллий боғлар, қўриқхоналар, ўрмонлар ва яйловларда ёйилиб юради. Бу ўсимликлар дунёсининг нобуд бўлишига олиб келмоқда. Эндиликда бу ҳолат устидан назорат кучайтирилади. Ўсимликлар дунёсига зарар келтирган чорва эгалари, хўжаликлар раҳбарлари ва айрим шахслар қонун олдида жавоб берадилар. Ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги янги ҳужжатлар бу ишда дастуруламал бўлади.

***Б. ЭШОНХЎЖАЕВ,** вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсини ҳимоя қилиш махсус нозирлиги бошлиғи.*

Долзарб мавзу

РЕЖАЛАРНИНГ ЎЗИ КИФОЯ ЭМАС

ҲАР йили катта қувонч билан нишонланадиган умумхалқ байрамимиз Наврўз яқин. Ота-боболаримиз, аждодларимиз қутлуғ айём кунлари олдидан ариқ-зовурларни тозалаш, йўлларни орасталаб, чеккаларига дарахтлар экишни удум қилган бўлсалар, аҳли аёллар уйлар, ҳовлилар, кўча юзларини саранжом-саришталаб, ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам хуш кайфият бағишлаганлар.

Ҳозир ҳам ана шундай анъаналарга содиқ ҳолда, истиқомат қилаётган жойларининг кўркига-кўрк қўшаётган, уларни яшил бойликка буркаётган, ҳамиша тозалигини таъминлаётган фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар кўп. Шуниси қувончлики, улар ўз ишларини худди ота-боболаримиз каби ҳашар йўли билан амалга оширмоқдалар.

Ўтган йили декабрь ойида бу борада ибратли тажриба тўплаган Қибрай туманидаги "Ўнқўрғон" қишлоқ фуқаролар йиғинида вилоят фаолларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда йиғиннинг ўз ҳудудидаги маҳаллалар ишини ташкил этиш, ободончиликни йўлга қўйиш, оилалар билан муносабатидаги фаолияти ҳақида батафсил гап борди. "Оила йили" учун ишлаб чиққан дастури юзасидан семинар-кенгаш тавсиялари қабул қилиниб, улар "Тошкент ҳақиқати"да босилди.

Шуни мамнунлик билан айтиш керакки, бу ташаббус қоғозда қолиб кетмади. Унинг изидан бориб маҳаллаларда гузарлар барпо этаётган, ободонлаштириш ва тозалик ҳафталиклари ўтказишни одат қилиб яхши самараларга эришаётган Чирчиқ шаҳри, Тошкент, Юқоричирчиқ, Бўстонлиқ туманларининг қатор маҳаллаларидаги ишлар чинакам ҳавас қиларлидир.

Афсуски, вилоятимизнинг барча туманларида ҳам аҳвол қаноатланарли, деб бўлмайди. Яқинда фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар ҳудудлари озодалиги бўйича ўтказилган рейд натижаси буни яққол кўрсатди. Хусусан, Янгийўл шаҳридаги айрим маҳаллаларда ахлат уюмлари вақтида олиб чиқиб кетилмаяпти. Бу ердаги Жун ариқ канали атрофи, "Файзиобод" маҳалласида тўпланган ахлат уюмлари ҳам бунга бир мисол. Жуманов, А. Шерматов кўчаларида ҳам шундай хунук манзара дилимизни хира қилди. Бевосита орасталикка масъул бўлган мазкур маҳалла қўмитаси раиси Турсунали Исмоилжонов «аҳвол нега бундай?» деган саволимизга елка қисиб қўя қолди. "Фарҳод" маҳалласидаги 12-уй олдидаги ахлат уюмлари хусусида маҳалла қўмитаси раиси Маъруф Ҳасановга сўз очганимизда у киши бу ишга шаҳар уй-жой коммунал бошқармаси (бошлиғи Абдуғани Нормирзаев) жавоб бериши керак, деб ўзини четга олди. Энг ачинарлиси шундаки, шаҳарда СЭС ходимлари бир неча бор назорат ўтказганликлари, бу ҳол нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришларига қарамай, на уй-жой бошқармаси, на маҳаллалар фаоллари ўз истиқомат жойларини тозалаб ўтириш ҳақида жон куйдирмаяптилар.

Бу шаҳарга ёндош бўлган Янгийўл туманидаги баъзи ҳудудларда тозаликка риоя этилмаётганлиги вилоят фаолларининг ўтган йилги йиғилишида видеотасвир орқали кўрсатилиб, тегишли ташкилотлар олдига аниқ вазифалар қўйилган эди. Хўш, улар бажарилдими? Абдулла Ортиқов номли қишлоқ фуқаролар йиғинидаги бир қатор кўчаларда ахлат уюмларини кўрганимизда ҳали сабоқ чиқарилмаганлигидан ачиндик. Наҳотки, коммунал хизмат идораси раҳбарлари фуқаролар йиғини, айни пайтда маҳалла қўмитаси раиси Нортожи Тиркашовлар ўз ҳудудларида тўпланаётган ахлат уюмларининг касалликлар манбаига айланаётганлигини билишмаса?! Яна бир гап, бугун катта туманда тўртта ахлат ташувчи машинадан биттасигина ишлаб турса, 145 минг аҳоли истиқомат қилаётган туманнинг ҳамма маҳаллаларидан ахлатни йўқотиб бўладими?! Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш керак.

Ҳужжатлар мукаммаллиги борасида Зангиота тумани уй-жой коммунал фойдаланиш бошқармаси (раҳбари Баҳодир Миркаримов) ходимларига етадигани йўқ бўлса керак. Ростдан ҳам бу ташкилотларнинг аҳоли истиқомат қиладиган жойларда тозаликни сақлаш бўйича аниқ режалари бор. Аммо уларнинг ижроси суст. Тўғри, туман маркази — Эшонгузарда, шунингдек, Ўртаовул қўрғони, Назарбек, Чиғатой, Иттифоқ, Оқтепа, Эркин қишлоқларидаги аҳоли яшайдиган жойларда чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилмаётганлиги сабабли бир қатор қишлоқ фуқаролари йиғинлари раисларига ҳайфсан ҳам эълон қилинган. Аммо, бу билан маҳаллалар ахлатдан ҳоли бўлиб қолмади. Ҳатто, муқаддас қадамжо ҳисобланадиган Саидваққос ота қабристони атрофи ҳам ахлат чиқиндиларига тўлиб кетганлигидан айниқса, афсусландик.

— Тўғри, бозор иқтисодиёти туфайли шаҳар ва туманлар коммунал хизмат идоралари фаолияти ҳам мушкулликлардан ҳоли эмас. Техника, транспорт етишмаслиги каби ҳоллар мавжуд эканлигидан ҳеч ким кўз юммайди. Албатта, бу қийинчиликларга қарамай, улар ишни талаб даражасида йўлга қўйишлари кераклигини таъкидлаган ҳолда, ҳар бир шахс, ҳар бир оиланинг ўзи ҳам орасталикни таъминлашда фаол иштирок этиши лозим, деб ўйлаймиз. Жуда бўлмаса, чиқиндиларни дуч келган жойга эмас, махсус ажратилган жойларга ташлаш ҳар бир инсоннинг қўлидан келади-ку, ахир. Вақти-вақти билан тозалик учун ҳашарлар ташкил этиш, озодалик ҳафталиклари уюштириш маҳаллалар ҳаётидан мустаҳкам ўрин олса мақсадга мувофиқ бўларди. Халқимизнинг бу удумлари ҳаёт тарзимизнинг бебаҳо бойлиги эканлигини унутмайлик.

***Саид АЗИМБОЕВ,** Тошкент вилояти СЭС шифокори.*
***Рўзали УМАРАЛИЕВ,** Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг масъул ходими.*
***Саидвали ҲАСАНОВ, Рўзибой ҲАМИДОВ,** "Тошкент ҳақиқати"нинг махсус мухбирлари.*

ТАҲРИРИЯТДАН:

РЕЙД жараёнида гуруҳимиз шаҳар ва туманларнинг тозалигини таъминлашдаги йўл қўйилган лоқайдлик ҳоллари борасида тегишли туманлар мутасадди ходимлари билан мулоқотда бўлиб камчиликларни бартараф этиш юзасидан уларнинг фикр, мулоҳазаларини эшитган эди.

Мақола саҳифаланаётганда биз ЯНГИЙЎЛ ШАҲАР давлат санитария эпидемиология станцияси бош врачи М. Бўрибоева ҳамда Янгийўл тумани СЭСи раҳбари М. Рихсибоевалар имзолари билан мазкур текширув бўйича жавоб хатлари олдик.

Янгийўл шаҳар СЭС раҳбарининг маълум қилишича, "Файзиобод" маҳалласига қарашли Жун ариқ канали бўйидаги, "Ишчилар шаҳарчаси"нинг Шерматов кўчаси ва "Фарҳод" маҳалласидаги ахлат уюмлари чиқиндилар учун ажратилган махсус жойга олиб чиқиб кетилган. Бу ишни СЭС, 5-автобаза, 2-уй-жой қурилиш бошқармаси ходимлари амалга оширишган.

Хатда шу йил бошидан буён СЭС жамоаси томонидан орасталик бўйича 47 марта текширув ўтказилганлиги, унинг натижалари шаҳар ҳокимиятига маълум қилиб борилганлиги ҳам қайд этилган. Бу ишда бепарволикка йўл қўйган "Рамадон", "Ишчилар шаҳарчаси", Охунбобоев номли, "Файзиобод", "Нодирабегим" маҳаллалари оқсоқолларига, 2-уй-жой бошқармаси тозалаш станцияси раҳбарига жарималар солинган.

Кўрилган чоралар юзасидан шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар ички ишлар бўлимига хат йўллаб, ҳисобот берилган.

Рейд юзасидан ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИДА ҳам зудлик билан тадбирлар белгиланди. Туман СЭС бош врачи М. Рихсибоеванинг таҳририятга йўллаган жавобида шу йил 12 февралидан бошлаб, туман ҳокимининг қарори билан бу ҳудудда ободонлаштириш ойлиги эълон қилинган.

Ҳозирги кунда мазкур ҳужжатга мувофиқ барча қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллаларда тозаликни таъминлаш учун зарур бўлган ишчи кучи ва транспорт ажратилган.

Туман СЭСи ходимлари қишлоқ, қўрғон, фуқаролар йиғинлари ҳудудларига бириктирилганлар. "Гулбаҳор", "Шўралисой", "Эски қовунчи", "Қўшёғоч" қишлоқ фуқаролар йиғинларида амалий ишлар бошланиб кетди.

Қайд этилган камчиликлар бўйича Янгийўл тумани уй-жой коммунал бошқармаси бошлиғи М. Бобоев туман фавқулодда эпидемияга қарши кураш комиссиясининг қарори билан ишдан олинган.

А. Ортиқов номли қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Н. Тиркашов, А. Ортиқов номли жамоа хўжалиги раиси Э. Мирзаев, туман уй-жой коммунал бошқармаси бош муҳандиси Б. Шегайларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Туман ободончилик бўйича ташкилий қўмитаси кундалик ишларни таҳлил этиб бормоқда.

Таҳририят мазкур туманларнинг бундай амалий ишларини алоҳида қайд қилган ҳолда, бошқа туманлар раҳбарлари ҳам танқидий мақолаларга ана шундай муносабатда бўладилар, деб ишонади.





ПАРКЕНТ туманидаги 1-ўрта мактаб кутубхонаси йилдан-йилга бойиб бормоқда. Мазкур зиёхонада ўқувчилар билан маънавият мавзуида тез-тез суҳбатлар ўтказиб турилади. "Ёзувчилар — болаларга", "Ўқувчилар — сизлар учун", "Келажак пойдевори" каби ўнга яқин кўргазмалар ҳам ташкил этилган. Бу ишларда кутубхоначи Жамила Шамсиеванинг муносиб ҳиссаси бор.

***Суратда:** (ўнгдан чапга) Ж. Шамсиева, тил ва адабиёт ўқитувчиси Мамлакат Зуҳриддиновалар бир гуруҳ ўқувчилар билан.*

* * *

Тумандаги "Саидисломбек" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ўтган йилнинг январида фаолият бошлаган эди. Бир йил ичида унинг маҳсулотлари харидоргирлиги билан оғизга тушди. 24 нафар ишчини ўз бағрига олган бу фирма 1997 йил "Ташаббус" танлови кўргазмасида туманда биринчи ўринни олган эди.

***Суратда:** фирма раҳбари Марғуба Нишонова (ўртада) шогирдлари Шоҳиста Маъмурова ва Зилола Комиловалар билан маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.*

Суратларни Даврон АҲМАД олган.

Ҳамкасбларимиз

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН КЎНГИЛ



СИРА эсимдан чиқмайди: чамаси 60-йиллар эди. Ҳамкасбларимиздан бирининг уйида — тўй зиёфатида ўтирардик. Дастурхонга қўйилган турли хил ноз-неъматлардан тановул қилаётганлардан бири тандирдан янги узиб олинган бўрсилдоқ нонларни, есангиз оғзингизда мазаси қоладиган сомсаларни мақтарди. "Қўли дард кўрмасин, ғоят пазанда экан".

У ҳали гапини тугатмаган ҳам эдики, хонага эгнига оқ халат кийган, оппоқ сурп рўмолчани бошига танғиб олган, қора кўзлари чақнаб, буғдой ранг юзлари буғриқиб турган бир йигит кириб келди ва:

— Ассалому алайкум, азизлар, яхши ўтирибсизларми? — деб салом берди.

— Сизлар мақтаётган пазанда шу киши бўладилар, — деди уй соҳиби.

— Қойил-э, — дедик биз. — Ўзимизнинг Шарофиддин-ку! Бундай ҳунарингиз борлигини билмас эканмиз...

Ота авлоди асли Андижондан бўлган, бироқ, ўзи Тошкентда туғилиб ўсган Шарофиддинга раҳматли падари бузруквори кўп таъкидларди: «Ўғлим, мана, сен ўқиб, улғайдинг, илмгоҳни ҳам битирдинг, газетачи бўлдинг. Лекин, мендан ўрганиб олган новвойлик ҳунарини ҳам сира унутмагин!»

Ҳақиқатдан ҳам Шарофиддин ота ўгитларига садоқатли бўлиб қолди.

У ёшлигидан жисмоний тарбияга қизиқди. Шунинг учун ҳам Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика куллиётини тугаллагач, ўз фаолиятини республика спорт газетасида бошлади. Устози, таниқли журналист, марҳум Собит Абдуллаевдан газетачиликнинг "сир"ларини ўрганиб, тажриба орттиргач, "Тошкент ҳақиқати" газетасига келди. Ўшанда у, табиийки, ўзининг бутун ҳаёти мазкур газета билан бир умрга боғланиб қолишини эҳтимол хаёлига келтирмагандир.

Аввалига у газетанинг қишлоқ хўжалик бўлимида адабий ходим, сўнгра ахборот ва ҳарбий ватанпарварлик бўлимида ходим, бўлим мудири, сўнгра масъул котиб ўринбосари, узоқ вақт эса масъул котиб бўлиб ишлади. Лекин, у қайси лавозимда меҳнат қилмасин, устозлари — газета "устунлари"дан сабоқ олишдан сира эринмади.

Яхши биламиз. Котибият — газетанинг "юраги" ҳисобланади. Ана шу "юрак"нинг бир меъёрда уриб туриши, демакки, газетанинг кўримли, мазмунли, ўқимишли чиқиши масъул котибнинг ўз бурчига қанчалик садоқатли эканлиги билан белгиланади. Холисанилло айтганда, масъул котиб фаолиятида ана шу садоқат кўп қиррали бўлиб жонланади. Ҳаммадан барвақт келиб, ҳаммадан кеч қайтарди у. Бу одати учун уйдагилардан танбеҳ ҳам эшитарди.

Сир эмас, баъзида журналистнинг тирикчилиги унинг ҳар ўн беш кунда оладиган қалам ҳақига ҳам боғлиқ бўлиб қолади. Агарда масъул котиб ҳимматли, ҳаммани тенг кўрадиган бўлса, ҳамкасблар кассадан, табиийки, юзларига қизиллик югуриб чиқади. Шундай пайтда мен "Шарофиддиннинг қўли хўб баракали-да" деган гапларни кўп эшитганман. У ходимларнинг ижодини, газетада босилиб чиқаётган хат-хабарлари, мақолаларини кузатиб боради. Баъзида ўзи ташаббус кўрсатиб, айрим ҳамкасбларининг "ўн бешга" илинишлари учун имконият яратади.

Тан олиш керак. Тиниб-тинчимасликда Шарофиддинга тенг келадиган топилмайди. Бу муболаға эмас. У асосий ишидан "ортиб", оралиқ вақт топиб, "Пахтакор" ўйингоҳида ўтказиладиган футбол ўйинларида сухандонлик ҳам қиларди. Спорт шарҳловчиси сифатида радио ва телевидение эшиттиришларида ҳам тез-тез чиқиб туришга улгурарди. Орияти ниҳоятда кучли, шундай пайтлар ҳам бўлганки, газета бош муҳарриридан жавоб сўрашга истиҳола қилиб, ўзига ортиқча "жабр" қилган: тўғридан-тўғри эфирга узатиладиган телеэшиттиришга костюмини қўлига олиб, терлаб-пишиб кириб келган. Бу, айтишга осон, лекин, Шарофиддин уста шарҳловчи бўлганлиги, ҳар бир чиқишлари, мақола ва лавҳаларида кўзлаган "зарба"си мўлжалга бориб тегадиган даражада қиёмига етказилиб ёзилганлиги учун ҳам унинг бу "гуноҳини» кечиришган.

У газета юмушини дўндириб, маромига етказиб бажариш билан бирга, отасидан ўрганган ҳунарини ҳам ташлаб қўймади. Маҳалла-кўйдагилар, қариндош-уруғлар, борингки, ҳамкасблар илтимос қилиб қолишса, йўқ демайди. Бир йигитга қирқ ҳунар оз, дейилган сўзлар Шарофиддинга ўхшаганларга нисбат бериб айтилган бўлса ажабмас! У иморат қуришда ҳам унча-мунча усталардан қолишмайди. Чорвани юритишда мутахассислар билан бемалол баҳслаша олади.

— Газетачилик касбини танлаганлигимдан фахрланаман, — дейди у, — шу касбим орқали бола-чақа боқдим, оила тебратиб келдим. Ўғил-қизларимни аёлим Хакимахон билан биргаликда удли-шудли, ўзлари ёқтирган ҳунар эгаси қилиб тарбияладим. Лекин, ҳаёт-ҳаёт-да! Ҳамиша ҳам сен ўйлаганчалик силлиқ, беташвиш ўтавермас экан. Ана шундай дамларда қўшимча ҳунарларим менга жуда асқотганлигини айтмасам бўлмайди. Буни қарангки, ҳаёт уммонларида сузиб, газетачиликнинг чеки-чегараси йўқ юмушлари билан бўлиб, баъзида эшитиладиган яхши, мақтов сўзларга андармон бўлиб ва шу билан бирга иш юзасидан бўладиган танқидларни ҳазм қилиб, ёшимиз бир жойга бориб қолганлигини сезмабмиз. Лекин, ҳаётимдан, ўтган кунларимдан сира нолимайман, Аллоҳга минг қатла шукур...

Мен ҳамкасб дўстимиз Шарофиддин Умурзоқовнинг чин дилдан айтган бу гапларини тинглар эканман, унинг авжи навқирон, ижоди гуллаб яшнаган, елиб югуришдан сира чарчамаган дамларини эслайман. Энди эса олтмишда...

Бундоқ ўйлаб қарасам, у эсини таниб, эл-юрт ишига камарбаста бўлган дастлабки кунларданоқ ўзининг фидойилиги билан умри давомида одамларга ёруғ юз билан боқа олиши учун замин қўйган экан.

Носир РИХСИЕВ.

Саҳоват

ЖАМИЯТНИНГ «НАВРЎЗ» ТАДБИРИ

Фавқулодда вазиятлар вужудга келганда жабр кўрган кишиларга ёрдам қўлини чўзиш, уларни қўллаб-қувватлаш республика Қизил Ярим ой жамияти фаоллари олдида турган асосий вазифалардандир. Ана шу ташкилотнинг қуйи бўғинларидан бири — Тошкент вилояти бўлими ҳисобланади. Бу ташкилотнинг муҳим иш фаолиятларидан яна бири аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари — ёлғиз қариялар, уруш ва меҳнат ногиронлари, кўп болалик оилаларга моддий, тиббий ва ижтимоий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ана шу саъй-ҳаракатларни моддий ва маънавий жиҳатдан кўпроқ таъминлаш мақсадида куни кеча Қибрай туманида Қизил Ярим Ой жамиятининг «Наврўз» хайрия марафони ўтказилди. "Савоб ишни ҳар куни қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак" деган пурмаъно сўзлар марафоннинг бош шиори бўлди.

Вилоят Қизил Ярим ой жамияти раиси Муфарраҳ Каримова йиғинни очар экан, шаҳар ва туманлардаги ташкилотлар, муассасалар, хўжаликлар ҳамда саховатли кишилар хайрия жамғармаси фондига баҳоли-кудрат ёрдам кўрсатаётганликларини алоҳида таъкидлади.

Шу куни вилоят Қизил Ярим ой жамияти номидан Ҳакима Йўлдошеванинг ўғли Фарҳодга ногиронлар аравачаси, кўп болали она Клара Юсуповага болалар аравачаси ҳамда туманда яшайдиган ёлғиз қарияларга, вилоят болалар уйи тарбияланувчиларига совға-саломлар топширилди.

Хайрия хазинасига марафон орқали Тошкент паррандачилик фабрикаси 15 минг сўм, Қибрай матлубот жамияти 10 минг, туман хотин-қизлар қўмитаси 50 минг, тиббий техникум 25 минг, қуйичирчиқликлар 50 минг, олмалиқликлар 50 минг сўм ўтказганликлари маълум бўлди. Шунингдек, туман ва шаҳарлардан келган меҳмонлар ҳам ўзларининг атаганларини тақдим этишди.

Марафонда Олимжон Пўлатов ва Абдуқаюм Тожибоев сингари «Шалола» гуруҳининг хушовоз хонандалари дилрабо қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

Мулоқотлар давомида вилоят ҳокимининг муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Сайёра Хўжаева, республика Қизил Ярим ой жамияти раисининг муовини Зафар Муродов марафон тадбирлари моҳияти тўғрисида гапирдилар.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ.

ОЛАМ ХАФТА ИЧИДА

МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

ҚИСҚА САТРЛАРДА

▶ ЯПОНИЯ ташқи ишлар вазири Кейдзо Обути расмий ташриф билан Москвага келди. У Россия президенти Б. Ельцин, бош вазир В. Черномирдин ҳамда ҳамкасби Е. Примаковлар билан мулоқотда бўлди. Музокаралар чоғида Россия давлат бошлиғининг Японияга норасмий ташрифини тайёрлаш, икки мамлакат ҳудудларига туташ минтақалардаги нефть манбаларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш масалалари ўртага ташланди.

▶ ОЗАРБАЙЖОН президенти Ҳайдар Алиев кун чиқар мамлакати — Японияга сафар қилди. Юқори доирадаги музокараларда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш жараёнлари муҳокама этилди.

▶ ГРУЗИЯ парламенти террорчиликка қарши курашни кучайтириш мақсадида алоҳида қонун қабул қилди.

▶ ЛАОСДА ўтган йилнинг декабрь ойида Миллий Мажлис ноиблари ёпиқ тарзда сайланган эдилар. Мазкур олий органнинг дастлабки сессияси яқинда иш бошлади.

▶ РОССИЯ Давлат Думасининг бир гуруҳ депутатлари яқин кунларда Вашингтонга қилинадиган сафарга тайёргарлик кўра бошладилар. Улар БМТ Бош котиби К. Аннан ҳамда америкалик ҳамкасблари билан Ироқ инқирозига тааллуқли тузилган ахдномани яна бир марта муҳокама этадилар. Делегацияга давлат думаси қўмита раиси В. Лукин бошчилик қилади.

▶ ЧЕЧЕНИСТОН ва Ингушистон тарихида 23 февраль алоҳида кун ҳисобланади. 54 йил муқаддам бу минтақаларнинг маҳаллий халқлари И. Сталин буйруғи билан депортация қилинган, бошқача қилиб айтганда, ўз мамлакатларидан мажбурий равишда кўчирилган эдилар. Ҳафта бошида ушбу кун ҳар иккала республикада мотам куни сифатида нишонланди.

▶ ҲИНДИСТОНДА парламентнинг қуйи палатасига ўтказилаётган сайловларнинг иккинчи босқичи амалга оширилди.

Ўзбекистон ва жаҳон

ЙИЛЛИК МАЖЛИС ВАШИНГТОНДА БЎЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН — Америка қўшма комиссиясининг навбатдаги йиллик мажлиси шу йил 26-27 февраль кунлари Вашингтонда бўлиб ўтди. Қўшма комиссия йиғилиши иштирокчиларига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва АҚШ Президенти Билл Клинтон табрик йўлладилар.

Унда Америка томонидан Давлат департаментининг махсус мувофиқлаштирувчиси Стивен Сестанович, Ўзбекистон томонидан Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов навбатма-навбат раислик қилдилар. АҚШ ва Ўзбекистон делегациялари таркибида юқори лавозимли расмий кишилар иштирок этдилар.

АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида тузилган қўшма комиссия ўтган муддат мобайнида ҳар иккала мамлакатга оид муносабатларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашда ўзига хос мавқега эга бўлди. Навбатдаги йиғилишда давлатларимиз алоқаларидаги минтақавий сиёсатга дахлдор, Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларда илгарилаб бориши, ҳарбий ҳамкорлик ҳамда Ўзбекистонда чет эл инвестициялари учун шарт-шароитлар мавжудлиги сингари мавзуларни ўз ичига олган ҳар икки томон учун манфаатли бўлган масалалар муҳокама этилди. Мулоқот чоғида юқорида тилга олинган соҳалар бўйича ахдномалар тузилажаклиги хусусида ҳам гапирилди.

МИЛЛИЙ ДАСТУРГА ЮКСАК БАҲО

ЯҚИНДА Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида таълим соҳаси ва саводсизликни тугатиш муаммоларини муҳокама этган 2-Осиё минтақавий анжумани ўз ишини ниҳоясига етказди.

Анжуманда Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди. ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, БМТнинг Тараққиёт дастури вакиллари, Канада, Буюк Британия, ХХР, Индонезия, Таиланд, Ҳиндистон, Покистон, Малайзия, Шри-Ланка, Непал, Бутан, Бангладеш, Мўғилистон делегациялари қатнашган ушбу йиғин ўз нуфузи жиҳатидан катта аҳамиятга молик бўлди.

Зотан унда таълим тизимига жалб этилаётган хусусий ва давлат сармояларининг ҳажмини ошириш, ўқитувчиларнинг касб савиясини такомиллаштириш, ўқитишнинг янги услубиётларини ишлаб чиқиш, аёлларни ўқитиш ва уларнинг билим олиш ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг саводхонлик даражасини яхшилашга дахлдор турли мамлакатлар концепциялари муҳокама этилди.

Анжуман иштирокчилари эътиборига Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастури ҳам тақдим этилди. Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастури конференция иштирокчилари томонидан юксак баҳоланди.

Воқеалар изидан

УРУШ БЎЛМАЙДИ!

Шу кунларда БМТ Бош котиби Кофи Аннан жаноблари ўз мавқеига муносиб чинакам жасорат кўрсатди, деб айтиш мумкин... У Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг фатвосини олиб, 20 февралда Бағдодга отланди.

БМТ Бош котиби режалаштирилган уч кун ўрнига тўрт кун Ироқ пойтахтида бўлди. Бош вазир ўринбосари Тариқ Азиз билан олиб борилган туркум музокаралар ҳамма ишнинг баҳайр бўлишига умид уйғотди. Якшанба куни эса Президент Саддам Хусайн билан республика саройида уч соат давомида бетиним мулоқот бўлди. Ўша сониялардаги дақиқалар шу қадар узоқ чўзилдики, одамларда асаблар ғайритабиий таранглашди.

Алал-оқибат Бош котибга сафарда ҳамроҳлик қилаётган БМТнинг расмий вакили Фрэд Экхард оғзидан йиғилганларни ҳушига келтирувчи сўзлар янгради. У нафасини ичига ютиб, "Биз аҳдномага эришдик" дея олди, холос. Бу калималар аслида маънони англатарди. Таъбир жоиз бўлса, шу аснода бутун башарият "Хайрият!" деб енгил тин олди.

Бош котиб Бағдоддан Парижга сўнгра Нью-Йорк томон парвоз қилди. У ўзининг адо этган ишидан ўта мамнун эди. К. Аннан ўз қароргоҳига етиб келгач, Хавфсизлик Кенгашининг аъзолари бўлган 15 давлат вакиллари ҳузурида ҳисобот маърузаси қилди ва икки орада "БМТ билан Ироқ ўртасида ўзаро тушуниш Меморандуми" деб аталган аҳдномага эришилганлигини маълум қилди. Хавфсизлик Кенгашининг айни пайтдаги раиси Денис Данге -Ревака (Габон) Бош котибни катта ғалаба билан муборакбод этди.

Шундай қилиб Яқин Шарқда катта уруш чиқишининг олди олинди. Эндиликда ҳамма иш икки ўртада тузилган аҳдноманинг барча моддаларини сўзсиз ва тўлиқ бажаришга боғлиқ бўлиб қолди.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

▶ ҚОЗОҒИСТОННИНГ собиқ пойтахти — Алмати шаҳридаги "Зангар" бош магазини олдида Эрон манфаатлари учун жосуслик қилиб келган Қозоғистон фуқароси қўлга тушди. У билан юзмаюз кўришиш учун келган Эрон махсус хизмати ходими бўлган "алоқачи" ҳам ҳибсга олинди.

▶ УКРАИНАНИНГ Харьков шаҳридаги Олимлар уйида "Оламнинг 8-мўъжизаси" деб аталган кўргазма очилди. Унда В. Казарянниинг 20 та "яратма"лари намойиш этилмоқда. Фақат микроскоп орқали кўзга чалинадиган лаънинг тариқдай донасига жойлаштирилган Страдивариининг ғижжаги, нина тешигига ўрнатилган 7 туя ва 2 сарбон каби ғаройиботлар келганларни таажжубга солмоқда.

▶ ХИТОЙНИНГ Цзиньхуа шаҳрида миришкорлар узумнинг "Полвон" навини яратдилар. Унинг бир донаси нақ теннис золдиридек келади.

(ЧЕТ ЭЛ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Дилрабо тароналар».
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Кабутарим».
9.00 «Болаларга бахшида умр».
9.20 «Спорт, спорт, спорт».
9.35 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.40 «Бу ҳам кино». Сериал.
11.50 «Омад ғилдираги». Телевизион ўйин.
12.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
13.05 «Фермер». Телетанлов.
13.30—14.00 Телевизион миниатюралар театри.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Чамандаги гуллармиз».
18.25 «Футбол майдонларида».
18.45 «Олам ва одам».
19.05 «Буни умр дерлар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тафаккур ва тақдир».
21.25 «Барҳаёт наволар». Таваккал Қодиров.
22.10 «Вазият».
22.25 У. Назаров. «Ойна». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.55 «Ахборот».
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «Эгиз қўшиқлар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Санта-Барбара». Телесериал.
21.45 Кундалик.
22.05 «Дилдаги гаплар».
22.35 «Даракчи» (рус тилида).
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал.
23.50—23.55 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

18.10 Киноафиша.
18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 18.20—21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Каскадёрлар. Моҳирлар ва эпчиллар оламида».
*
Россия давлат телевидениеси 22.00—22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Ўлимга тенг олишув». Бадиий фильм (АҚШ)
00.05—00.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульттомоша».
19.00, 22.05 Эълонлар.
19.05 «Морена Клара». Телесериал.
19.50 «Жаҳон».
20.10 «Чинор видеоканали: «Рангинкамон».
«Дидар».
20.50 «Дунё эшиги».
21.05 «Умр баҳори».
21.20 «Мусиқали танаффус».
21.25 «Намастэ».
21.45 «Гўзаллик ва мангулик».
22.10 «Спорт-тайм».
22.40—22.50 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Қўшиғимда яшар муҳаббат». Фильм-концерт.
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Боржиа узуги». Телесериал. 1-серия.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
* * *
10.05 «Соз сеҳри». Мусиқий дастур.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Адабиёт.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Алифбо сабоқлари.
*
12.00 «Олам ва одам».
12.20 «Асалари бўлган экан». Мультфильм.
12.35 «Олимпиадачилар орамизда».
12.50—14.00 «Вертикал». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қуёшда пишган нон». Мультфильм.
18.20 Болалар учун «Фақат 10 дақиқа».
18.30 «Илм ўзликни билмакдир».
18.50 О. Эргаш. «Соғинч». Теленовелла.
19.05 «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Нуқтаи назар».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Бирдан бир миллионгача». 2-кўрсатув.
21.25 «Умр девони». Мусиқий дастур.
22.00 «Парламент соати».
22.25 «Йиллар ва тақдирлар». Н. Қамбарова.
22.50 «Зирапча». Бадиий фильм.
00.20 «Ахборот».
00.45—00.50 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Ёввойи ҳайвонот олами».
19.05 «Тарозу».
19.20 Дилором наволар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Учрашув».
21.30 «Спорт қитъаси».
22.00 «Даракчи».
22.10 Оҳанглар ва эълонлар.
22.25 «Кинонигоҳ». Дэнис Хоппер «Боши берк кўчада» фильмида.
00.15—00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30—9.00
*
18.20—21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Қашқадарё. Моҳирлар ва эпчиллар оламида».
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00—22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Динозавр ҳақида афсона». Фантастик фильм (Япония).
00.05—00.25 «Ахборот» (рус).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.55 Эълонлар.
19.10 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 Мусиқий дақиқалар.
20.15 «Очиқ дарс».
20.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.50 «Телефакт».
21.00 «Моҳир».
21.20 «ТВ-IV да немис тўлқини».
21.40 «Хит-коллекция».
22.00 Қувноқ кино.
23.30 «Таклифлар ва ташрифлар».
23.45—23.55 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
8.50 «Нуроний». Тележурнал.
9.15 «Боржиа узуги». Телесериал. 2-серия.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Бола дунёни тебратар».
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
11.45 «Аср сўнгида». Адабий кўрсатув.
12.05 Ўзбек куйларидан концерт.
12.35 «Нофелет қаерда?». Бадиий фильм.
14.05—14.25 Қишлоқ стадионларида.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Қўнғироқча».
18.30 «Фан фидойиси».
19.00 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...»
19.05 «Ёшлик» студияси. «Аудитория».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таянч нуқтаси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Чорбоғ манзараси». «Ўзбектелефильм» премьераси.
21.30 «Сиёсат оламида».
21.50 «Ўзбекистон бастакорлари». Мусиқий дастур.
22.25 «Сеҳрли шуъла». Кинокўрсатув.
22.45 «Дунё адабиёти».
23.05 «Юлдузингни бер, осмон». Бадиий фильм.
00.25 «Ахборот».
00.50—00.55 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 Жаҳон халқлари эртаклари.
18.35 «ХХ аср киноятлари». Телесериал.
19.05 «Авлод».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ғазал соғинчи».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кулгуга нима етсин».
21.15 «Ҳудуд». «Ташаббус—97». Тошкент шаҳар тадбиркорлар танлови якунлари.
21.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.30 «Даракчи» (рус тилида).
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 «Буюк изкуварлар. Коломбо». Сериал.
00.20—00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30—9.00
* * *
18.20—21.35
*
21.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00—22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Динозаврнинг қайтиши». Бадиий фильм (Япония).
00.10—00.30 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
*
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.20 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Мезон».
20.30 «Нафосат гулшани».
21.05 «Ҳуқуқ ва бурч».
21.25 «Автосалтанат».
21.35 «Мусиқий дақиқалар».
21.40 «Умидим қолди».
22.10 «Дилрабо тароналар».
22.25 У. Умарбеков. «Қиёмат қарз». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.25 «Дурдаршан».
23.55—00.05 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Қуйлардан қўшиқларга.
9.00 «Харита». Халқаро шарҳ.
9.15 «Боржиа узуги». Телесериал. 3-серия.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Ўзбекистон тарихи.
11.00 Она тили.
11.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
11.50 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
12.10 «Талаба ва спорт».
12.30 «Аҳмад қаерда?». Бадиий фильм.
14.05—14.25 «Жараён».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Алпомишлар ҳамиша ғолиб». Алпомиш достонининг 1000 йиллигига.
18.35 «Ҳидоят сари».
18.55 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Муаллим». Видеофильм премьераси.
21.50 «Равзаи жаннат боғи». Мусиқий дастур.
22.30 «Битик». Публицистик кўрсатув.
22.55 «Ёшлар табассуми».
23.15 «Умр мазмуни». И. Ғофуров.
23.40 «Ахборот».
00.05—00.10 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Аралаш-қуралаш».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 Дилнавоз садолар.
18.55 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Билиб қўйган яхши».
20.10 «Сир».
20.30 «Ахборот».
21.00 Мутойиба.
21.25 «Одобнома».
21.35 Оилавий экран. «Қасоскор қиз». 1-серия (Ҳиндистон).
22.50 «Даракчи».
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 Оилавий экран. «Қасоскор қиз». 2-серия
00.25—00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30—9.00
* * *
18.20—21.35
*
21.35 «Ассалом, мусиқа!». Мусиқий кўрсатув.
* *
Россия давлат телевидениеси. 22.00—22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Хавфли раҳмдиллик». Бадиий фильм. 1-серия. (Франция).
24.00—00.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульттомоша».
19.00, 22.10 Эълонлар.
19.05 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.50 «02» тўлқинида.
20.05 «Ракурс».
20.35 «7 дан 70 гача».
21.00 «Интерспорт».
21.20 «Каталог».
21.35 «Мусиқий Олимп».
22.15 «Киносалон».
23.15—23.25 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Мусиқа ва театр».
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Боржиа узуги». Телесериал. 4-серия.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Халқ ижодиёти». Алпомиш достонининг 1000 йиллигига.
10.30 Немис тили.
11.00 «Аёл билан жилвагар олам». Публицистик кўрсатув.
11.30 «Шоирлар — болаларга».
11.50 «Ўзбекистон ва жаҳон».
12.05 «Осмондан тушган мерос». Бадиий фильм.
13.25 «Равзаи жаннат боғи». Мусиқий дастур.
14.05—14.25 «Маърифат маскани».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қудуқ». Мультфильм.
18.20 Болалар учун «Ҳикматлар ҳазинаси».
18.45 «Жасорат». Телеочерк.
19.00 «Нафосат гулшани». Мусиқий дастур.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Теннис-клуб».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Туркистон» саройи. **Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.**
22.30 «Қиёфа».
23.05 «Сен баҳорни соғинмадингми?». Мусиқий дастур.
23.40 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури.
00.05 «Ҳузурга элтувчи йўл». Бадиий фильм.
01.35—01.40 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бугуннинг боласи».
18.35 «ХХ асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.05 «Ҳусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тақдим».
20.05 «Акс».
20.20 «Туйғуларим».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Яхши дам олинг».
21.20 «Ривоят».
21.30 «Маслаҳат».
21.50 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.35 «Даракчи».
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 Бокс. Бокс. Бокс.
23.15 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
00.40—00.45 «Тунингиз хайрли бўлсин!»

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30—9.00
* * *
18.20 — 21.35
*
21.35 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00—22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Хавфли раҳмдиллик». Бадиий фильм. 2-серия.
24.00—00.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.40 Эълонлар.
19.05 «Морена Клара». Телесериал.
19.45 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.05 «Уй остонадан бошланади».
20.35 «Саломат бўлинг».
20.50 «Наволарда аён этсам».
21.10 «Дурдаршан».
21.45 Кинематограф. «Оролга сайр».
23.05 Араб эстрадаси.
23.35—23.45 «Мунаввар тонг истаб».

ШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Санамлар сарвари».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
9.40 «Истеъдод».
10.05 «Оқибат».
10.25 «Германия — музейлар мамлакати».
*
10.40 «Шеър ва шуур».
10.50 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
11.20 «Дўрмон ҳангомалари».
12.00 «Маҳзун чечак». Бадиий фильм (Туркия).
13.20 «Катта танаффус». Телевизион ўйин.
13.50—14.20 Лирик тароналар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бир жаҳон болалармиз».
18.15 «Ғазалхон ёшлигим».
18.35 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.00 «Хайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Омонлик тилаймиз».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.20 «Аёл гўзаллиги оламни безар». Мусиқий дастур.
22.10 «Жаҳон спорти».
22.20 «Келин-куёв». Телешоу.
23.05 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.30 «Нозик». Кинокомпозиция.
23.50 «Жан Кристофф». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
01.30—01.35 «Ватан тимсоллари».

II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Бугуннинг боласи».
9.20 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
10.45 «Тақдим».
10.55 «Дубляж».
11.10 «Туйғуларим».
11.15 «Билиб қўйган яхши».
11.30 «Таурас куч тўпламокда». Телесериал.
12.20 «Учрашув».
12.50 «Яхши дам олинг».
13.10 «Ривоят».
13.20 «Маслаҳат».
13.40 Бокс. Бокс. Бокс.
*
14.00 Кўрсатувлар дастури.
14.05 «Мутойиба».
14.25 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал (АҚШ).
15.15 «Болливудга нигоҳ».
15.35 Спорт қитъаси.
16.05 «Онагинам».
16.25 «Жонни Квест саргузаштлари». Мультфильм.
16.45 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
17.35 Шарқ эстрадаси.
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «У ким? Бу нима?».
18.30 «Қонун ҳимоясида».
18.40 «Дилбарим».
19.00 «Ханда дўкони».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Зиё учун ташаккур».
20.10 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Спорт қитъаси».
21.30 «Даракчи».
21.40 «Кўнгил кўнгилга пайванд
22.10 «Мафтункор чеҳралар». Байрам сони.
23.10 БАТ—Ўзбекистон намойиш этади.
23.15 Оҳанглар ва эълонлар.
23.25 Сиз ёқтирган фильмлар. «Салом, холангизман!».
01.00—01.05 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.40 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.45 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
*
Россия жамоат телевидениеси. 18.15—24.00
*
24.00 Эълонлар.
00.05—00.15 «Фарғона — олтин водий».Телефильм.

IV

10.00 «Спектаклдан сўнг».
10.20 Эълонлар.
10.25 Биргаликда куйлайлик.
11.25 «Шанба эртаги».
12.35—13.05 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз». («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили — ҳамма учун).
***
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульттомоша».
19.00, 22.45 Эълонлар.
19.05 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 Далил ва шарҳ.
20.15 «Сиз учун». Дам олиш дастури.
20.45 «Рақслар қанотида».
21.10 «Ассалом, Франция!»
21.35 «Тақдирлар».
21.55 «Чинсэн».
22.25 «Хит-коллекция».
22.50 Киносалон.
00.20 «Бу ажиб дунё».
00.35 —00.45 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Туркистон» саройи. **Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.**
12.30 «Цирк, цирк, цирк».
13.00 «Спортимиз маликалари».
13.20 «Ёшлик» студияси. «Нима учун?»
13.40 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Гудду». Бадиий фильм. 1-серия (Ҳиндистон).
15.00 «Беш бармоқ». Тележурнал.
15.30 «Онажонлар, сизга таъзим». Мусиқий дастур.
15.55 «Гудду». Бадиий фильм. 2-серия.
17.10 «Келин-куёв». Телешоу.
*
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
18.30 «Ёшлик» студияси. «Сочининг савдоси тушди».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 Телевизион миниатюралар театри.
21.55 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
22.25 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
23.25 «Жавҳар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.45 Спорт. Спорт. Спорт.
«Аср муъжизаси» кинодастури.
24.00 Кино янгиликлари.
00.15 Жаҳон киноси юлдузлари.
00.35 «Бу ҳам кино». Сериал.
01.45—01.50 «Ватан тимсоллари».

II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «У ким? Бу нима?»
9.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.40 «Ғазал соғинчи».
10.00 «Таурас куч тўпламокда». Телесериал.
10.45 Дилбарим.
10.55 Болалар экрани. «Ўйинчоқлар мамлакатига саёҳат».
12.15 «Мафтункор чеҳралар». Байрам сони.
13.15 «Спорт қитъаси».
13.45 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
«Якшанбада яхши дам» дастури.
14.00 Кўрсатувлар дастури.
14.05 Жаҳон халқлари эстрадаси.
14.30 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.10 «Интер-футбол».
15.55 «Таъзим». Мусиқий дастур.
16.15 «Бари ҳазил».
16.25 Мультипанорама.
16.55 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
17.40 «Келгуси ҳафтада».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Сув ости дунёсига саёҳат».
18.35 15 дақиқа спорт ҳақида.
18.50 «Жараён».
19.10 Тақвим.
19.20 Оҳанглар ва эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 — Эълонлар.
20.00 «Изҳор».
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 «Нафосат даврасида».
21.40 «Даракчи».
21.50 «Сенга бахтдан тахт тиларман».
22.15 Бенни Хил шоуси.
22.30 Келгуси ҳафтада.
22.50 Якшанба кинозали. «Булутлар бағрида сайр».
00.15—00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 17.50—00.10
*
00.10 Эълонлар.
00.15—00.40 «Панорама» (рус тилида)

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?»
9.55 Якшанба эртаги.
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип-антракт.
11.55 Эълонлар.
12.00 Киносалон.
14.00 «Рақурс».
14.30 «Жонли сайёра».
14.50 Клип-антракт.
15.00 Кундузги сеанс.
16.30 Мультэкран.
16.50 — 17.10 «Сенинг вақтинг».
***
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульттомоша».
19.00, 22.45 Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.50 Бугунги кун мавзуси.
20.05 Клип-антракт.
20.15 Хайрли оқшом.
20.45 Клип-антракт.
20.55 «Мусиқий Олимп».
21.15 «Буржлар башорати».
22.00 «БАТ — Ўзбекистон намойиш этади».
22.15 Жаҳон киноси юлдузлари.
22.50 Киносалон.
00.35—00.45 «Хайрли тун!».

Янги фильм

"ОТАМДАН ҚОЛГАН ДАЛАЛАР"

ТАНИҚЛИ кинорежиссёр, "Маҳаллада дув-дув гап", "Сен етим эмассан", "Тошкент — нон шаҳри" каби фильмлар муаллифи Шуҳрат Аббосов истеъдодли ёзувчи Тоғай Муроднинг "Отамдан қолган далалар" асари асосида ижод қиляпти.

"Отамдан қолган далалар "фильмида бир деҳқон авлодининг тўрт вакили тақдири орқали ўзбек халқининг яқин ўтмишдаги қисмати очиб берилади. Ана шу вакиллар тимсолини Машраб Кимсанов, Хошим Арслонов, Улуғбек Муҳаммадкаримов, Аъзам Шокиржонов каби актёрлар талқинида кўрамиз. Фильм сценарийсини Маҳмуд Тўйчиев ҳамда Шуҳрат Аббосов ҳамкорликда ёзишган.

Жамила АСАДОВА.
СУРАТДА: фильмдан лавҳа.



ҲАММАГА БИРДЕК ТЕГИШЛИ

Кўкламнинг илк кунлариданоқ бутун республикамизда «Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги» ни ўтказишга қарор қилингани айни муддао бўлди.

Республикамизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам ана шу муҳим тадбирга тайёргарлик ишлари қандай бораётганини аниқлаш мақсадида вилоят Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобил назорати бошқармасининг бошлиғи милиция полковниги С.У. АЗАМАТОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Сайдулла Убаевич, 1 мартдан бошланадиган "Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги"ни ўтказиш юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида сўзлаб берсангиз.

— Ўтган йилнинг 2 июлида Республика Вазирлар Маҳкамасида "Ўзбекистон Республикаси йўлларида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида" 333-сонли қарор қабул қилинган эди. Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигини ўтказиш ташаббусини кенг қўллаб-қувватлаб, бу тадбирни кенг жамоатчилик-иштирокида муваффақиятли якунлашга аҳд қилган вилоят ҳокимлиги республика Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги"ни ўтказиш тўғрисидаги 1998 йил 6 февралдаги 46-ф сонли фармойишига асосан ушбу тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш комиссияси ҳамда йўл-ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаларини тасдиқлади.

Жумладан, ҳокимликнинг мазкур фармойишида жойларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид чора-тадбирлар кўриш, йўлларда харакатланиш ҳавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш, транспорт ва пиёдалар ҳаракати серқатнов бўлган йўллар ва жойларни аниқлаб, уларни кўрикдан ўтказиш, аниқланган камчиликлар юзасидан таклифлар киритиш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, транспорт воситаларини техник тайёргарлигини яхшилаш, ойликни ўтказишга кенг жамоатчиликни жалб этиш мазкур ойликнинг асосий вазифалари қилиб белгиланди. Шаҳар ва туман ҳокимликлари бир ҳафта муддатда маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ойликни ташкил этиш ва ўтказиш комиссияларини тузишлари, ойликни самарали ўтказиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, уларнинг бажарилишини назоратга олишлари қайд этилди.

МАРТ — Ҳаракатланиш ҳавфсизлиги ойлиги

— Тузилажак комиссиялар иш фаолияти ва бу тадбирдан кўзланган мақсад нималардан иборат?

— Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш комиссияларида ҳар 10 кунда ойликнинг боришини муҳокама этиш ва унда раҳбар ходимларнинг ҳисоботини эшитиш кабиларни йўлга қўйиш кўзда тутилади.

Вилоятимиздаги концерн-лар, ташкилотлар, идоралар ва ижодий уюшмалар ҳайъатлари, кенгашлар, бошқарув йиғилишларида транспорт воситаларининг техник ҳолатини ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги ва ходимларнинг йўл интизомига амал қилишининг аҳволини кўриб чиқишлари ҳамда жамоанинг ҳаракатланиш хавфсизлиги самарасини таъминлаш фаолиятига баҳо беришлари, мазкур тадбирларга қўшимча маблағ ажратишлар ва бошқа вазифалар белгилаб берилди.

— Бошқарманинг ўтган йилги фаолияти хусусида қисман тўхталиб ўтсангиз.

— Инсон манфаатлари йили бўлмиш — 1997 йили кишилар ҳаётини сақлаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилган тадбирларимиз натижасида йўл-транспорт ҳодисаларининг сони 0,4 фоизга камайди. Биргина вилоят автохўжаликларидаги транспорт воситаларининг техник ҳолатларини аниқлаш мақсадида 2725 маротаба текширув ўтказдик. 395 та автохўжаликларнинг фаолиятлари ҳам кўрикдан ўтказилди, у ердаги транспорт воситаларини сақлаш ва фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун 337 нафар раҳбар ходимларга, 6 минг 216 нафар ҳайдовчига нисбатан маъмурий чора кўрилди.

Бу рақамларга эътибор берган бўлсангиз, биргина бошқармамиз ходимларининг кундалик фаолияти туфайли қанчадан-қанча одамларнинг ҳаёти сақланиб қолинганлигига гувоҳ бўласиз. Ахир, ўша носоз транспорт воситаси кимнинг-дир жигарбандини умрига зомин бўлиши ёинки бир умрга тўшакка михлаб қўйишига сабабчи бўлиши мумкин эди. Энг ачинарли томони пиёдаларни эътиборсизлигидир. Уларнинг айби билан кўплаб автофалокат содир бўлиши сир эмас. Фожеаларнинг туб илдизи, аввало, оилада кейин мактабгача тарбия муассасаларида, мактаб-лицейларда йўл-ҳаракати қоидаларини ўргатиш давр талабидан ортда қолаётганида, деб биламан. Ўтказилажак тадбирда ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги доирасида жойларда йўл ҳаракати қоидаларини тушунтириш ишларига кенг ўрин берилгани айни муддао бўлди.

— Ишонамизки, ўтказиладиган тадбир фақатгина 30 кунни қамраб оладиган, кейин эса ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотадиган шунчаки мавсумий иш бўлиб қолмайди. Шундай эмасми?

— Албатта, илгарилари кўп ҳолларда бундай тадбирлар шунчаки компания сифатида ўтарди, кетарди. Аммо ҳозир давр бошқа, замон бошқа. Маълумки, 1998 йилни Президентимиз "Оила йили" деб эълон қилди. Ўтган йилги хато ва камчиликлардан хулоса чиқариб, оилаларнинг ҳар доим тинч, хотиржам кун кечиришини таъминлаш ДАН ходимлари ва барчанинг муҳим вазифаси бўлиб қолмоғи лозим.

Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 6 февралдаги 46-ф Фармойиши билан эълон қилинган ва вилоят ҳокимлиги томонидан кенг қўллаб-қувватланган "Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги" юқорида зикр этилган муаммоларни камайтириш борасидаги амалий ишлардан бири бўлиб қолади, деб баҳоламоқ лозим.

Суҳбатдош Миржалол МИРАЛИЕВ.

Шифокорлар ҳақида ҳикоялар

БОЛАЖОН ДЎХТИР

ПАХТАОБОД қишлоғига баҳор эрта келди. Қирадирларни борлиққа юз тута бошлаган майсалар иси тутиб кетди. Кўклам элчиси — бойчечакларнинг муаттар бўйи кўнгилларга аллақандай сархушлик бахш этиб, сўлим табиатга муҳаббат уйғотади. Аммо Абдулла аканинг ғашлик ўрнашиб олган юрагига қил ҳам сиғмайди. У кенжатойи, ўн бир ёшлик Ботиржонининг тўшагига термулиб кўз ёшсиз, ботинан йиғлайди.

Бунга бир ойлар чамаси бўлди. Бола терлаб совуқ сув ичганми уйга йўталиб келди. Иситмаси кўтарилди. Кечга бориб Ботирнинг аҳволи оғирлашди. Унинг озиб, қорайиб кетган юзига қараган ота даст туриб телефони бор қўшниси-никидан "Тез ёрдам" чақирди. Энди ўғлининг аҳволи дақиқа сайин оғирлашарди. Ички зўриқишдан пешонасини совуқ тер босиб алахсирай бошлади. "Тез ёрдам" машинасида Абдулла аканинг ўзи шифохонага бирга жўнади. Чиноз шаҳар марказий касалхонасининг болалар реанимация бўлими мудири Одил Каттахонов тўртинчи синф ўқувчиси Ботир Баратовни қабул қилиб олди.

— Ботирнинг аҳволи жудаям оғир эди, — деб эслайди доктор. — Кўз қорачиғлари кенгайган, нафас олиши ўта кучсиз эди. Юрак уриши бўғиқ, аритмия ҳолати сезиларди.

Тезкорлик билан қилинган рентген сурати буни тасдиқлади.

Ботирга биринчи ёрдам кўрсатилди. Одил Каттахонов турли соҳа шифокорларини маслаҳатга чақирди. Кейин жарроҳ ўз фикрини айтди: "Бола тезлик билан операция қилиниши зарур".

Бундай пайтда масъулият даволовчи врач зиммасида бўлади. Ҳал қилувчи қарорни ҳам у қабул қилади. Ўпка операцияси хавф-хатардан ҳоли эмас. Уни мутахассис махсус клиникада қилиши лозим. Демак, болани Тошкентга олиб бориш керак.

— Шу ердамисиз, Абдулла ака? — ота кўнглига хавотир солмасликка интилиб сўради, доктор.

— Шу ердаман.

Одилжон соддагина бу одамнинг кўзларига қараб, юраги эзилиб кетди. Зинадан пастга тушиб, отанинг қўлтиғидан олди ва:

— Ўғлингизни Тошкентга олиб бориш керак. Операцияси нозик, у ерда тажрибали мутахассислар кўп, тезда яхши етиб бориши зарур. Бу жараёнда шифокор ўпка тўқимасини зарарлаб қўйишдан эҳтиёт бўлиши керак.

Одил Каттахонов муолажа олдидан ювиниш хонасига кирар экан, умидли кўзлари ичичига чўккан бола нигоҳи уни бир зум тарк этмасди...

Одил Янгийўлнинг Ниёзбош қишлоғида туғилган бўлса ҳам Тошкентдаги Меҳриниса бувисининг қўлида тарбия топди. Буви қаттиққўлгина эдилар. "Ё, иш сени енгсин, ё сен ишни" дердилар, доим. 1975 йили мактабни битириб қурилишда ғишт терувчилик касбини эгаллади. Ишни енгди, оилага бироз моддий ёрдам ҳам берди. Бир йилдан кейин ўзининг орзусига етишиб, Тошкент педиатрия олийгоҳига ўқишга кирди. Устозлари Республикада таниқли мутахассислар — Қайта жонлантириш бўйича профессор Анвар Валиевич Алимов, Владимир Николаевич Аксарин, Александр Михайлович Борохов, Израил Исоқович Златкевичлардан кўп билим ўрганди, тажриба орттирди. Бу пайтда у тенгдошларидан анча илгарилаб, бронхоскопия, пункция сингари анча мураккаб муолажаларни мустақил бажара бошлади. 1983 йили эса уни йўлланма билан Чиноза юборишди. У иштирок этган операцияларда жарроҳлар хотиржам ишлашарди. Одил йилма-йил малакасини ошириб борди. 1989 йили эса Марказий шифохонада болалар реанимация бўлими очилди ва Одил Каттахонов мудир этиб тайинланди.

Жонлантириш (реанимация) врачи табобатнинг барча замонавий техникаларидан — монитор қурилма, дефибриллятор, электоростимулятор сингарилардан мукаммал фойдалана билиши, трахеостомия, пункция, йирик томирларга катетер қўйиш муолажаларини аъло даражада бажара олиши керак бўлади. О. Каттахонов буларни пухта эгаллаган эди.

Ўн уч ёшлик Ботир Баратов ана шу реанимация хонасида бехуш ётар, ҳамширалар Ройи Бойназарова, Гўзал Мўминовалар унинг атрофида парвона эдилар. Доктор пункцияни бошлади. Шифокорлар асабий зўриқишдан терга тушиб кетишди. Боладан бир литрга яқин суюқлик олингач, кўзини очди ва нафас олиши равонлаша бошлади. Бир соатдан кейин эса уни палатага олиб чиқишди.

Йўлакда деворга суяниб Абдулла ака турарди. У ўзини ғилдиракли аравачага отди.

— Дада, — деди Ботир кучсиз овозда.

— Болам! — деди у юзини ўғлининг юзига босиб.

— Жонлантириш хонасидан чиқаверишда доктор Одил Каттахоновни Абдулла ака бағрига босди. Раҳмат, раҳмат, дерди у фақат. Салдан сўнг тонг ҳам отди.

Доктор Ботир ётган хонага ҳамкасбларини таклиф этди. Улар орасида тажрибали болалар шифокори Машкура Одилхонова, Ёқубжон Исметов, жарроҳ ва бошқа мутахассислар ҳам бор эди. Шифокорларнинг фикрлари инобатга олинган ҳолда муолажа давом этди... Ботир бир ойдан кейин соғайиб чиқди. Абдулла аканинг қувончи чексиз эди. Ўзининг кўп йиллик фаолиятида Одилжон бундай болалардан қанчаданқанчасига қайта ҳаёт бағишлади. Шу боис бўлса керак, бутун Чиноз аҳлининг унга ҳурмати баланд.

Табобат ҳамма санъатлар ичида энг олижаноб санъатдир, деган экан Гиппократ. Ҳамкасбларининг дил сўзлари бўйича Одилжон ҳам шифокорликни санъат даражасига олиб чиқаётганлардан.

— Биласизми, шифокор ишига шундай берилиб кетадики, у ҳаётнинг барча лаззатларидан ҳамиша ҳам баҳраманд бўлавермайди, — дейди у. — Касалнинг соғайиб кетиши, яна бошқа беморлар муолажаси унинг ҳаёти бўлиб қолади.

Ҳа, тиббиёт олами ана шундай ўзгача, сирли олам. Одилжонга ўхшаганлар ана шу оламнинг ҳамиша ёғду берувчи ёниқ юлдузларидир.

Абдужалол РАҲИМОВ.

УСТОЗ АРДОҚДА

Янгийўл шаҳрида дув-дув гап:

— Эшитдингизми, Халилахон 50 ёшга кирибди. Йигирма беш йил мобайнида биринчи синф ўқувчиларига абжадни ўргатишнинг ўзи бўладими? Сабр-бардошига балли!..

Ҳа, бу гаплар беҳудага айтилмади. Ҳалила Ҳасанова мана йигирма беш йилдирки, шаҳардаги 8-ўрта мактабда бошланғич таълим ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Унинг қўлидан учирма бўлган ёшлар орасидан турли касб эгалари етишиб чиқди. Улар эл-юрт хизматини шараф билан уддалашмоқда.

Куни кеча янгийўллик ота-оналар, шогирдлар муаллималарини шарафлаб, учрашув кечаси ўтказдилар. Устоз ва шогирдлар учрашуви ғоятда қизиқарли ва мароқли ўтди. Шогирдлар ўз устозларини бағрига босиб, эсдалик совғаларини топширишди. Кечада Янгийўл шаҳар хокимининг муовини, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Х. Хайдарова сўзга чиқди.

Комила ТЕМИРОВА.

Об-хаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасининг хабарига қараганда 28 февраль, 4 март кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳавонинг ўзгарувчан келиши кутилади. Баъзи жойларда ёғингарчилик бўлиши мумкин.

Ҳарорат кечалари 0- 5 даража совуқ кундуз кунлари эса аввалига 6-11 даража, сўнги кунларда эса 1-6 даража илиқ бўлади.

*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*

ХОТИРА ТУРНИРИ

1979 йилда авиация фалокати туфайли ҳалок бўлган собиқ "Пахтакор"чилар хотирасига бағишлаб ўтказилаётган анъанавий турнир футболчилар учун айни вақтда мавсум олди синов кўриги вазифасини ҳам ўтамоқда. Бу йилги беллашувлар анча барвақт — 10 февралда бошланиб, гуруҳлардаги баҳслар ниҳоясига етди. "Пахтакор", "Нефтчи", "Хоразм" ва "Янгиер" жамоалари финалга чиқдилар. Мазкур жамоаларнинг ўзаро учрашувлари муҳлати кейинчалик эълон қилинади. Голиб 11 август куни аниқланади.

ХАЛҚАРО УЧРАШУВДА ҒАЛАБА

БЕКОБОДНИНГ "Металлург" футболчилари, бу йил мамлакат биринчилигининг олий табақасида вилоятимиз спорти шарафини ҳимоя қилишади. Бу жамоа, ўз ҳаётида дастлабки халқаро ўртоқлик учрашувлари саҳифасини очди. Улар ўз майдонида Хитойнинг йирик Хэнан вилояти вакиллари бўлмиш "Хэнанцзянь" футболчиларини қабул қилиб 1:0 ҳисобида ғолиб келишди. Рақиблар дарвозасига ягона тўпни 27 дақиқада Шуҳрат Исмоилов киритди.

ОЛИМПИАДАДА ИШТИРОК ЭТИШНИНГ ЎЗИ ШАРАФЛИ

Олимпия шон-шуҳрати музейида XVIII қишки Олимпия ўйинлари бўлиб ўтган Нағанодан қайтиб келган спортчилар билан учрашув бўлди. Ўзбекистонликлар спортнинг уч тури — тоғ чанғиси, фристайл ва фигурали учиш бўйича мусобақаларда иштирок этишди.

Тоғ чанғиси бўйича Ўзбекистон чемпиони Комил Ўрумбоев бундай катта мусобақада биринчи бор иштирок этишига қарамай, жаҳондаги турли мамлакатларнинг 38 спортчиси орасида 28-ўринни эгаллади. Мутахассисларнинг фикрича, чанғида учиш одат бўлмаган мамлакат спортчиси учун бу катта муваффақиятдир.

Лина Черязова бу гал Лиллихаммердаги сингари улкан ғалабага эришолмаган бўлса-да, у эгаллаган 13-ўрин барибир ёмон эмас.

Фигурали учиш бўйича спортчиларимиз Роман Скорняков билан Татьяна Малининанинг қишки Олимпиадада иштирок этиши кутилмаган воқеа бўлди. Роман Скорняков 29 спортчи орасида 19-ўринни эгаллаб, Япония матбуотида "Энг истикболли спортчи" деб эътироф этилди.

Татьяна Малининанинг 8-ўринни эгаллаши жуда қувонарлидир. У эркин дастурни бажаргач, Европа чемпионатининг бронза совриндори, украиналик Елена Лишенко, жаҳон чемпионатининг бронза совриндори, америкалик Николь Ботик, Осиё чемпиони — япониялик Сузуки Аракаву каби таниқли спортчилардан ўзиб кетди.

Учрашувда фигурали учиш бўйича спортчиларнинг ҳомийлари — "Кока-Кола" фирмаси вакиллари иштирок этди. Жаноб Ник Евагелопулос Роман Скорняков билан Татьяна Малининага қимматбаҳо совғалар топширди.

(ЎзА).

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИ
«Ўзбекнаво»
Гастрол-концерт бирлашмаси ТВБ
5-6 март соат 18.00
Байрамингиз муборак, азиз аёллар!
Ҳожибой ТОЖИБОЕВ
"Энди ҳам кулмай кўринг-чи"
деб номланган янги байрам дастурига таклиф этади.
Кечада бетакрор эстрада хонандаси
Каромат Худойбердиева
ва «Сарбон» гуруҳи
ўзининг ажойиб, жозибали кўшиқлари билан Сизларни хушнуд этади.
Чипталар сарой кассаларида сотилмоқда.
Маълумот учун тел: 45-92-51, 64-83-43

ТИМ LTD
ОВРУПО ва АМЕРИКАДАН
қурилиш материалларини
олиб келиб сотади
Телефон: 78-97-43
© РИА «Ташкент-Таймс»

ŞHIMOL - SERVIS
Тезкор, сифатли кафолат билан
Музлатгичлар, совутгичларни созлаймиз
Ташкилотлар билан техник хизмат кўрсатиш ва созлаш ишларини бажариш учун шартномалар тузамиз.
Созланган БК совутгичларини, ФРЕОН- 12 сотамиз
Тел.: (3712) 45-10-69, 45-06-82
© РИА «Ташкент-Таймс»

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси ҳокимликнинг қурилиш, уй-жой ва коммуникация мажмуи масалалари бўйича котибият мудири
Анатолий Александрович МАНАСОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси ҳокимликнинг етакчи мутахассиси Б. Давлатовга волидаи муҳтарамаси
Тамара НАЗАРОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент гидрогеология экспедицияси жамоаси фахрий гидрогеолог
Ғайрат ХОШИМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига тазия изҳор қилади.

Тошкент вилояти товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси жамоаси Ўртачирчиқ туман тадбиркорлар палатаси раиси Б. Каримовга волидаи муҳтарамаси
КАРИМАХОН аянинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти Қибрай тумани соғлиқни сақлаш бўлими меҳнат фахрийси, соғлиқни сақлаш аълочиси
Энахон ая МАХМУДОВАнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0971. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 16.167 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6